

## Ҳамма нарсани биламан деяверманг!



08:00 / 16.12.2021 2312

Жангчи давлат арбоби бўлиши шарт эмас. Сиёсатнинг ўз ҳисоби бор. Жангни моҳирлик билан бошқарадиганлар ҳамма вақт ҳам давлатни моҳирлик билан бошқара олишмайди. Аниқроғи умуман бошқара олишмайди.

Тарихда бўлиб ўтган кўп жанглар муваффақиятсиз сиёсатга сабаб бўлган. Сиёсатчилар бошқарувда омадсиз бўлгач, урушларни ўйлаб топишади. Инқирозларини четга экспорт қилмоқчи бўладилар. Ташқи урушлар ички қўзғолонларни ман қила олмайди. Чунки халқ ҳукумат атрофидан айланмайдиган бўлиб қолади.

Наполеон Бонопарт сиёсатда муваффақиятни йўқотгач жуда катта уруш оловини ёқди. Бу уруш олови Акка деворлари ортида сўнди.

Уинстон Черчилл урушда омадини йўқотгач ундан кейинги биринчи сайловда бой берди.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу билан Холид ибн Валид розияллоҳу анҳуга қаранг. Улар иккиси ҳам ўз ишининг усталари эди. Умар розияллоҳу анҳу беқиёс давлат арбоби эдилар. Холид розияллоҳу анҳу эса иқтидорли қўмондон эдилар. Умар розияллоҳу анҳу давлатни бошқаришда Холид розияллоҳу анҳудан муносиброқ эдилар. Холид розияллоҳу анҳу эса

урушда Умар розияллоҳу анҳудан муносиброқ эдилар. Агар қўшин бошқаруви Умар розияллоҳу анҳуга топширилганида урушни Холид розияллоҳу анҳу каби идора қила олмаган бўлар эдилар. Агар давлатнинг калитлари Холид розияллоҳу анҳуга топширилганида давлатни Умар розияллоҳу анҳу каби бошқара олмаган бўлар эдилар.

Ҳолбуки, Умар розияллоҳу анҳу урушни билар эдилар. Холид розияллоҳу анҳу ҳам давлатни билар эдилар. Аммо билиш бошқа экан, ўша ишдан хабардорлик ва моҳирлик бошқа экан. Умар розияллоҳу анҳунинг қамчилари билан тузаладиган халқни Холид розияллоҳу анҳунинг қиличлари билан тузатиб бўлмас эди. Холид розияллоҳу анҳунинг қиличлари билан тузаладиган қўшинни Умар розияллоҳу анҳунинг дарралари билан тузатиб бўлмас эди.

Бу ҳаётда мутахассисликнинг ўрни бошқача экан барибир. Ҳамма нарсани биламан дейдиган киши аслида ҳеч нарсани билмайди!

***Абдулқодир Полвонов***